

БУТУН ДҶУМЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ХАКМИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЛ ЧИКИШИ  
№ 195 (3423).

5  
ОКТАБРЬ  
ЧОРШАНБА  
1966 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## ҚЎШИМЧА МИНГ ТОННА

Етиштирган ҳосилимиздан кўнглимиз тўқ эди. Планингина эмас, зиммага олиingan мажбуриятини ҳам ортиги билан бажариш учун колхозимизнинг каттадан-кичиги астойдил бел болаган эдилар.

Ингим-теримга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдик. Дастлабки кунларда фақат қўл терими бўлганлиги учун қўшни қолхозлардан бироз орқада юрдик. Ўза барглари сифати тўғрисида асосий майдонлардаги пахтачи кўйғос оқилгандан кейин ишимиз юришиб кетди. Кундан-кунга терим машиналари сонини кўпайтира бошладик. Қизғин дала ларга келганда 45 та «загори кема» ботиним ишлаш бошлади. Ҳаммамизнинг мақсадиимиз пешона

на тери билан етиштирилган «оқ олтин»нинг егин-сочига қолдириб олишдан иборат эди.

Минали Усаев, Хуршид Часанов, Хуршид Хасанов, Қўшбой Бўронов ўртоқлар сингари моҳир механик-ҳайдовчиларимиз пахтазорларда жасорат кўрсатиб ишлаб, хирмонга тобора барвақ киритдилар. Уларнинг ҳар бири ўз бунларидан 50—60 тоннадан сифатли пахта тўқидилар.

Гектардан олинмаган ҳосилнинг ўтган йилга қараганда камида 2—3 центнерданга кўпайиши энди аниқ қўлга ташланиб қолди. Колхозимизда ташкил этилган 37 та комплекс механизацияланган звенонинг 30 таси шу кеча-кундузда мажбурият ҳисобидан пахта топишмоқдалар. Абдукарим Йўлдошев, Ҳайитбой Бозоров, Маматали Назаруллаев ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ҳозирча 25—27 центнердан хир-

мон кўтардилар. Уларнинг мўлжали 30—35 центнерданга етказиб, далада ана шунга яраша мўл ҳосил бор. Одамларимизда ана шунга яраша интилиш, ҳаракат, олижаноб мақсад бор.

Шу кунгача эл хирмонига планда белгиланган 2150 тонна «оқ олтин»нинг тўқиди. Шу ҳосилнинг 1600 тоннаси «загори кемалар» ердимида териб олинди. Энди қолган ҳосилни егин-сочига қолдириш беравқти гиштириб олиш, облатимизнинг эртароқ маррага етиши учун муносиб ҳисса қўйиш йўлида қизғин кураш кетаяпти. Колхозимиз аъзолари даладаги ҳосилни намалаб кўриб, пландан ташқари ана 1000 тонна пахта топишришга аҳд қилдилар.

А. АБДУҲОЛИҚОВ,  
Бўке райониданги Калинин номили колхоз раиси.  
А. ХОЛЖИГОВ,  
бошланғич партия ташкилотининг секретари.

## П Л А Н Т Ў Л Д И

БўКА. (Телефон орқали олинди). Райондаги Калинин номили колхоз биан бир кунда Ленин номили колхоз аъзолари ҳам маррага етганликлари ҳақида галаба рапортига имзо чекидилар. Ёз бўйи даладарда астойдил меҳнат қилган деҳқонлар эндиликда ана шу меҳнатларининг натижасини сурмоқдалар.

Колхознинг ўртоқ Қўшбой Ҳўнабоев бошлиқ бригадаси аъзолари аниқсиз қувончли натижаларга эришдилар. Улар давлатга планда бел-

гиланган 160 тонна ўринга 200 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Ўртоқ Габулла Убайдуллаев бошлиқ бригада аъзолари ҳам гектардан олинмаган ҳосилдорлигини ўтган йилга қараганда 2—3 центнерданга оширишга эришдилар.

Колхозда ингим-терим қизғин давом этапти. Ҳали далада ҳосил кўп. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан деҳқонлар Ватанга пландан ташқари ана 150 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

## КУНИГА 5 ПРОЦЕНТДАН

Ўртоқ Аҳмад Ҳайдаров бошлиқ бригадаси аъзолари 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» топишриш мажбуриятини олганлар. Сўзи билан иш бир бўлган звено аъзолари шу кеча-кундузда янада гайрат кўрсатиб теримини авжига чиқаришмоқда. Улар кунга икки планнинг беш проценти амдорда «оқ олтин» топишришяпти. Суръатга суръат қўшиб Зулфун Ҳасанов, Тўра Умаров, Турди Субанов сингари кўпимликограммчиларнинг ҳиссаси катта. Уларнинг ҳар кунги хирмонга тўнган пахта 200—250 килограммдан кам бўймайди.

Аҳмад Ҳайдаров, Анорбой Мавжуров каби аҳлихизматдорларнинг иши ҳам мақтовга сазовордир. Улар звено плани бажариладиган иккинчи ҳам янада баракали ишмоқдалар. Ҳар бир механизаторнинг терган пахта 5 тоннадан ошмоқда. Звено аъзолари иккинчи кунлар ичиде зиммага олган мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида галаба рапорти беришмоқда.

П. ТОЖИЕВ,  
Ўрта Чирчиқ. Куйбисев номили колхоз.

323.000 ТОННА ТОШКЕНТ  
ПАХТАСИ УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ  
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 4 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

## М А Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Районлар       | Бир кунда терилган | Маъсум бошлан | Бир кунда маълумот берилган | Маъсум бошлан |
|----------------|--------------------|---------------|-----------------------------|---------------|
| Оққўрғон       | 2,34               | 77,53         | 2,59                        | 90,99         |
| Юқори Чирчиқ   | 1,54               | 69,78         | 4,70                        | 139,47        |
| Ўрта Чирчиқ    | 1,16               | 68,71         | 1,70                        | 78,06         |
| БўКА           | 1,88               | 68,25         | 2,36                        | 85,21         |
| Оржоникидзе    | 1,76               | 65,87         | 1,90                        | 65,10         |
| Бектебод       | 2,29               | 63,48         | 2,60                        | 68,01         |
| Калинин        | 1,60               | 61,54         | 2,50                        | 32,00         |
| Янгийўл        | 1,68               | 58,24         | 2,56                        | 62,37         |
| Область бўйича | 1,84               | 67,52         | 2,42                        | 80,33         |



Областимизнинг пешқадам механизаторлари. Улар даладаги «оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш ва давлатга топишришда ўзларнинг муносиб ҳиссаларини қўймоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) Янгийўл районидан «Интернационал» колхозининг меҳнатсепар механизаторларидан Жамол Зулаев, Василий Нерозник, Юқори Чирчиқ районидан «Ўзбекистон» колхозининг меҳнатсепар механизаторлари Абдуҳамид Ҳўролов ўртоқлар.

А. Абалин, Қ. Розиков фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

## МАШИНА—ЖОН РОҲАТИ

Мавсум бошлангандан бери салкам 100 тонна «оқ олтин» терибман. Бу йил ҳам «ХТ-1,2» терим машинаси яхши хизмат қилляпти. Унга қаров яхшиланган сари пахтадан тез ва тоза терияпти. Машинани мен ўзим ремонт қилгандим. Мойлаб, айриқчисиларини янги деталлар билан ўзгартирдим. Шунинг учун ҳам терим бошлангандан бери бир марта ҳам бузилиб қолгани йўқ. Бу

билан кўнгилни тинчитиб - қўйиш ярамайди. Яна гайратга-гайрат қўйилмади. Ҳар бир минута ва соатдан унутили фойдаланялмай.

Техникадан фойдаланиш йилдан-йилга яхшиланяиб бораляпти. Ўтган йили звенодаги пахтанинг ҳаммасини машина билан териб олдик. Бу йил ҳам ана шундай бўлади. Биринчи теримни қандай уюшқоқлик билан ўтказган бўлсак,

иккинчи теримда ҳам гайрат қиламиз. Етиштирилган ҳосилнинг бир грамминини ҳам но-буд қилмай йиғиштириб олиб, унинг асосий қисминини биринчи сортларга топишраимиз.

Ўз касбиятин севаман. Шунинг учун чарчап нималигини билмайман. Доимо техникани моҳирлик билан бошқаришга ҳаракат қилаялмайман. Мен бош-лиқ звенода бу йил мўл ҳосил етиштириладик. Ҳар гектар ердан 26,5 центнердан хирмон кўтариб, давлат омборига 148 тонна «оқ олтин» тўқиб планимизни ошириб бажардик. Ленин шунга қарамай Ҳали дала-мизда ҳосил қўй. Қолган «оқ олтин»ни ҳам тезда йиғиштириб олиб, зиммамизга олган мажбуриятини шараф билан бажариш деб галаба рапорти берамиз.

Петр НАМ,  
Оққўрғон райониданги «Ленинград» колхозининг звено бошлиғи.

## СУЛТОНОЙ ОЛДИНДА

Султоной Фазлиева тушлик оқилгача 170 килограмм «оқ олтин» териб қўйибди. У оқилгандан кейин ана гайрат қилди. Иккинчи кунда пахта терди. Қош қорайганда бу қизнинг пахтасини 110 килограмм қўйибди. Тўшдан кейин 170 килограмм пахта терибди.

— Яшанг, сингил, Офарин сизга! Қўйингиз дара қурсинки! Бундай мақтов гапни ўша кунни колхоз раҳбарлари ҳам, бригада бошлиғи ҳам бир неча бор айтишди. Ҳақиқатан ҳам ўртоқ М. Исло-

мов бошлиқ бригадасидаги теримчилар ўртасида Султоной пеша-дамлик қилмоқда. Унинг шу мингга қадар терган пахта 5 минг килограммга етай деб, қолди.

Фирдавс Махмудов, Мунира Бойтарова, Мунира Разабова ва бошқа ўнлаб теримчилар ҳам чеварлар сафидан тезроқ ўрин олиш учун курашмоқдалар.

М. МАМЕДОВ,  
Ўрта Чирчиқ райониданги Свердлов номили колхоз.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

## ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССРда илмий, техника ва маданий тараққиётни янада ривожлантиришни рағбатлантириш. Ленин мукофотларининг аҳамиятини ошириш мақсадида, шунингдек давлат қўллаб-қувватлашга сазовор бўлган иқодий ишларини янада таъабаллаштирилган тарзда ва кенг рағбатлантириш зарур эканлигини эътиборга олиб, фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари ҳамда СССР давлат мукофотлари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қарорда Ленин мукофотларини олиш учун тақдим этиладиган ишларга нисбатан талабни оширишга эътибор берилди. Ленин мукофотлари фан ва техникада янги йўналишларни очиб берадиган ва билимнинг шу соҳасида мажор ютуқларидан ўзига берадиган жуда муҳим илмий тадқиқотлар учун; СССР халқ ҳўжалиги ва мулофасида илмий ҳисса қўйиладиган ҳамда ўз даражаси яхшиланган бошқа маълумотларнинг ютуқларидан ўзига берадиган бошқа маълумотларнинг принципиал равишда янгилашганлиги учун; давлат ва ҳўжалик қурилиши, маркази-ленинча фан ва ҳўзирги илмий ҳаётта ақтуал масалаларни юзасидан ўтказилган буюқ тадқиқотлар учун, бутун халқ таъдирлаган ҳамда совет бадий маданиятининг жаҳон миқёси-

даги аҳамиятини мустаҳкамлайдиган социалистик реализм адабиёти ва санъатининг жуда муҳим асарлари, архитектура соҳасидаги ишлар учун берилиши мўмкин.

Қарорда Ленин мукофотлари икки йилда бир марта берилди. 30 мукофот, шу жумладан, фан ва техника бўйича 25 мукофот, адабиёт, санъат ва архитектура бўйича 5 мукофот берилди, деб белгиланди. Мукофотлар бериш мавзуд таъдидига мувофиқ, В. И. Ленин тўғрисида кўп билан бир вақтда тўғри келтирилади. Ленин мукофотларининг ҳар бири 10 миң сўм миқдорда белгиланди. Ленин мукофоти лауреати диплом ва қўрқанга тақдирланган ишонининг илгари белгиланган нусхаси сақланиб қолади.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги СССР давлат мукофотлари Ватан фаилни ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшадиган илмий-тадқиқотлар учун энг прогрессив материаллар, машина ва механизмларни яратиш ва халқ ҳўжалигига жорий қилиш соҳасидаги ишлар учун, янги гойт умулди технология процесслари учун; халқ ҳўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган илгор ишлаб чиқариш; техника таърибасини жорий қилганлиги учун; иш ва тежамли ар-

хитектура ҳамда техника иншоотлари учун; давлат ва ҳўжалик қурилиши ҳамда маркази-ленинча фан масалалари юзасидан қўқур назарий тадқиқотлар учун, адабиёт ва санъатнинг энг талантли юксак даражада гояли асарлари учун берилди.

СССР давлат мукофотлари 1967 йилдан бошлаб ҳар йили Улуғ Октябрь Социалистик революциясини йиллигида берилди. 60 та СССР давлат мукофоти белгиланди, булардан 50 таси фан ва техника бўйича, 10 таси адабиёт, санъат ва архитектура бўйича бўлиб, ҳар бир мукофот 5 миң сўм миқдордадир. СССР давлат мукофотини олишга сазовор бўлган кишиларга «СССР давлат мукофоти лауреати» унвони берилди, диплом ҳамда қўрқанга тақдирланган ишон топирилади.

Ленин мукофотлари бўйича мавзуд комитетлар шу қарорга буюқ СССР Министрлар Совети ҳўзирдаги фан ва техника соҳасида Ленин ва давлат мукофотлари комитети деб, СССР Министрлар Совети ҳўзирдаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва давлат мукофотлари комитети деб аталди.

Ленин ва давлат мукофотларини бериш тўғрисида комитетларнинг қабул қилган қарорлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан таъдидлангани ҳамда шундан кейин марказий матбуотда эълон қилиниши лозим.

## СССР БИЛАН ВДР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Рансининг ўринбосари В. Н. Новиков бошчилигидаги СССР ҳўкумат делегациясини билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сийёси Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси ҳўкумати Бош министрнинг ўринбосари Ле Тхьян Нги бошчилигидаги Вьетнам Демократик Республикасининг ҳўкумат иқтисодий делегациясини билан 1966 йил сентябрь ойида Совет Иттифоқида меҳмон бўлди.

Ле Тхьян Нги Москвада бўлган вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев билан ва КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Рансининг биринчи ўринбосари К. Т. Маузов билан суҳбатлар қилди. Бу суҳбатлар дўстлик ва самимият вазиётида ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети

ва халқ ҳўжалигини ривожлантириш ишида Совет Иттифоқининг ВДРга янги ёрдам кўрсатиш ма-салалари муҳофиза қилинди.

Совет томони Америка империалистларининг агрессиясига қарши курашялган, ўз ватанининг озоодлиги ва мустақиллигини қатъий тўғри ҳўқоқ қилаётган қаҳрамон Вьетнам халқининг мардлик гайт қўйил қолаётганлигини айтиб да Вьетнамдаги уруш янги босқичга кирганлиги сабабли ву-жудга келган эҳтиёжларни ҳисоб-га олиб, мамлакатнинг халқ ҳўжа-лиги ва мудофаа қобилиятини

мустаҳкамлаш эҳтиёжларини қон-диришда Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга бел болагалигини таъкидлади.

Вьетнам Демократик Республи-касининг ҳўкумат иқтисодий делегациясини Вьетнам Демократик Республикасининг иқтисодий ривожлантиришда ва мудофаа қурилиши мустаҳкамлашда катта қимматли ва самарали ёрдам бераётганликлари учун, Вьетнам халқининг Америка империалист-лари агрессиясига қарши олиб бо-раётган курашини актив қўллаб-

аъзоси, СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасинидаги элчиси И. С. Шибераков ва бошқалар.

Вьетнам томонидан — делегация бошчилигини ўринбосари, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Нгуен Ван Кхи, Вьетнам Демократик Республикаси Госплани раисининг ўринбосари Нгуен Ван Кха, Вьет-нам Демократик Республикасини ташки савдо министрнинг ўринбосари Нгуен Вадик ва бошқалар.

Музокаралар дўстлик ва ҳам-жиҳадлик вазиётида ўтди.

—

Ҳўжжатларни имзолаш вақтида В. Н. Новиков ва Ле Тхьян Нги шунқ сўзладилар.





